ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР (PR) ФАОЛИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА БУГУНГИ РАҚАМЛИ МУҲИТДАГИ РИВОЖЛАНИШИ: ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ

Бабашев Фархад Айтмуратович
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Педагогик таълим” кафедраси мудири. Педагогика фанлари номзоди, доцент
https://doi.org/10.5281/zenodo.23521694

Annotatsiya: *Mazkur maqolada ta’lim menejmentining zamonaviy tashkiliy-kommunikativ mexanizmi hisoblangan jamoatchilik bilan aloqalar (PR) faoliyatining vujudga kelishi, tarixiy genezisi va institutsionallashuv bosqichlari tizimli tahlil qilingan. Antik davr ritorikasidan boshlab, Sharq va G‘arb mutafakkirlarining boshqaruv kommunikatsiyasiga oid qarashlari, shuningdek, Markaziy Osiyo va O‘zbekiston oliy ta’lim tizimida matbuot xizmatlarining shakllanish qonuniyatlari tadqiq etilgan.*

Kalit so‘zlar: *ta’lim menejmenti, PR-texnologiyalar, genezis, institutsionallashuv, ichki kommunikatsiya, jozibadorlik, qayta aloqa, Integral Kommunikativ Indeks (ICI).*

Аннотация: *В статье представлен системный анализ возникновения, исторического генезиса и этапов институционализации связей с общественностью (PR), рассматриваемых как современный организационно-коммуникативный механизм в управлении образованием. Рассматривается эволюция взглядов мыслителей Востока и Запада на управленческую коммуникацию — начиная с античной риторики, — а также закономерности формирования пресс-служб в системах высшего образования Центральной Азии и Узбекистана.*

Ключевые слова: *управление образованием, PR-технологии, генезис, институционализация, внутренняя коммуникация, привлекательность, обратная связь, Интегральный коммуникативный индекс (ICI).*

Abstract: *This article presents a systems analysis of the emergence, historical genesis, and institutionalization stages of public relations (PR), viewed as a modern organizational-communicative mechanism in education management. It examines the evolution of Eastern and Western perspectives on managerial communication—starting with ancient rhetoric—as well as the patterns governing the establishment of press services within the higher education systems of Central Asia and Uzbekistan.*

Keywords: *education management, PR technologies, genesis, institutionalization, internal communication, attractiveness, feedback, Integral Communicative Index (ICI).*

Жаҳон таълим маконида олий таълим ташкилотлари ўртасида рақобатнинг кучайиши, глобал ва миллий рейтинглар (QS, Times Higher Education) тизимининг жорий этилиши таълим сифати билан бир қаторда, ташкилотнинг очиқлиги ва коммуникацион фаоллигини ҳам бошқарувнинг устувор стратегик ресурсига айлантирмоқда. Олий таълим ташкилотини (ОТТ) ёпиқ маъмурий тизимдан шаффоф, жамоатчилик билан конструктив диалог олиб борувчи очиқ ижтимоий тизимга трансформация қилиш

зарурлиги таълим менежменти фани олдига мутлақо янги вазифаларни қўймоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишларида ОТТлар бошқарув аппарати ва ректорлар олдига жамоатчилик ҳамда ОАВ билан эркин мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолининг таълим сифатидан қониқиш даражасини тизимли мониторинг қилиш вазифаси қатъий белгилаб берилган. Бироқ анъанавий бошқарув тизимида ҳанузгача фақат ахборот узатишга асосланган вертикал (монолог) модели устувор бўлиб қолмоқда. Истеъмолчилар (талабалар, ходимлар, иш берувчилар) билан горизонтал мулоқот ва қайта алоқанинг (feedback) йўлга қўйилмагани соҳа жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, таълим менежменти тизимида PR-технологиялар ва матбуот котиблари фаолиятини шунчаки техник восита эмас, балки стратегик бошқарув механизми сифатида тадқиқ этиш, унинг тарихий генезиси ва ривожланиш босқичларини назарий англаш ўта долзарб аҳамият касб этади.

PR-технологиялари тарихи инсонлар орасидаги мулоқот, уларни маълум мақсад ва ғояларга ишонтириш санъати сифатида инсоният тамаддуни каби қадимий илдизларга эга. Антик даврда, хусусан, Рим империяси даврида жамоатчилик билан ишлаш ва уларнинг фикрини шакллантириш давлат бошқарувининг муҳим қуроли ҳисобланган. Машҳур нотиқ Марк Фабий Квинтилиан ўз даврида ёшлар тарбиясида ва иқтидорли тингловчиларни саралашда мунтазам очиқ мунозаралар ва мусобақалардан фойдаланган. Бу жараёнда муваффақият қозонганларнинг эътироф этилиши ички мотивацияни оширувчи кучли коммуникатив таъсир воситаси бўлган.

Рим империяси ҳукмдорлари таълим ва тиббиёт ходимларининг ижтимоий нуфузини ошириш мақсадида илк бор тизимли мафкуравий сиёсатдан фойдаланганлар. Император Константин Августнинг эрамиздан аввалги 333 йилда қабул қилинган «Шифокорлар ва ўқитувчилар учун имтиёзлар ҳақида»ги Фармони жамиятда ушбу касб эгаларининг ижобий образини (имижини) яратишда тарихий аҳамиятга эга бўлди. Фармонда устоз-мураббийлар барча солиқлардан ва ҳарбий мажбуриятлардан озод этилиши, уларни ҳақорат қилганлар қаттиқ жазоланиши ҳамда давлат хазинасидан юқори иш ҳақи берилиши белгиланган. Бу тадбирлар жамиятда таълим тизимига нисбатан юксак ишонч ва жозибадорликни шакллантиришнинг дастлабки давлат даражасидаги лойиҳалари (PR-кампаниялари) сифатида баҳоланади.

Ўрта асрлар Шарқ давлатчилиги ва бошқарув маданиятида жамоатчилик билан ишлаш, фуқаролар мурожаатларини тинглаш ва уларнинг фикри асосида адолатли муҳит яратиш масаласига алоҳида ёндашилган. Улуғ вазир

Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида давлат раҳбари ва фуқаролар ўртасидаги диалог маданияти баён этилади. Асарнинг «Подшоҳнинг мазлумларни қабул қилиши» фаслида ҳукмдор ҳафтада икки кун оддий раиятнинг арз-додини бевосита ўзи эшитиши зарурлиги таъкидланади. Агар «подшоҳ додхоҳларни қабул қилиб, золимларни жазолайди» деган ахборот (пресс-хабар) мамлакат бўйлаб тарқалса, жамиятда барқарорлик ва ҳукуматга нисбатан юксак ишонч (репутацион капитал) шаклланиши кўрсатиб ўтилган.

Буюк соҳибқирон Амир Темур салтанатида эса ахборот алмашинуви, элчилар билан мулоқот ва ташқи дунёда давлатнинг қудратли имижини яратиш (PR) олий даражага кўтарилган. Самарқандда барпо этилган «Гулбоғ» каби муҳташам қасрлар, элчилар шарафига берилган дабдабали тўй-тантаналар хорижий давлатларда салтанат ҳақида ҳайбат ва ҳурмат уйғотишга қаратилган эди. Италиялик сайёҳ Белтрамус де Минянелли 1416 йилдаги хотираларида Амир Темур элчиларини «араб, юнон, ибрий тилларини мукаммал билувчи, геометрия ва астрономиядан машҳур бўлган, кўркам ва улуғвор зотлар» сифатида тасвирлайди. Бу эса Соҳибқирон давлатида ташқи ПР-сиёсати қатъий тизим ва юқори маданият асосида ташкил этилганини исботлайди.

Жамоатчилик билан алоқалар соҳасини ижтимоий институт ва мустақил фан сифатида шаклланиши Ғарб, хусусан, АҚШ тарихи билан узвий боғлиқ. 1807 йилда Томас Жефферсон VII Конгрессга Мурожаатида илк бор «public relations» (жамоатчилик билан алоқалар) атамасини расмий муомалага киритди. XX асрнинг бошларида Зигмунд Фрейднинг жияни бўлган Эдвард Бернейз (1891–1995) соҳанинг назарий ва илмий асосларини яратиб, тарихда «PR отаси» номини олди. Унинг 1928 йилда чоп этилган «Тарғибот (Propaganda)» номли китоби соҳанинг оммавий онгни бошқаришдаги имкониятларини илмий асослаб берди. Скотт Катлип ПР фаолиятининг институционаллашувини Ғарб тарихи контекстида 6 та асосий босқичга бўлиб ўрганади (1-расм).

1. Бошланғич давр (XVIII асрнинг иккинчи ярми)
▼
2. Паблисити (оммалаштириш) даври (1810-1900)
▼
3.“Лой қароқчилари” (Кризисли давр) (1900-1920)
▼
4. Профессионал ва илмий фан сифатида (1920-1940)
▼
5. Урушдан кейинги ривожланиш даври (1945-1965)

▼

6. Глобал ахборот ва рақапли PR даври

1-расм. С. Катлип бўйича PR фаолияти ривожланишининг тарихий босқичлари.

1970 йиллардан бошлаб PR технологиялари АҚШ ва Европа университетларининг мажбурий таълим дастурларига киритилди ва тизимли равишда олий таълим менежментининг ажралмас элементига айланди.

Республикамизда давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, хусусан, олий таълим тизимида жамоатчилик билан алоқаларни институционаллаштириш мустақиллик йилларида, асосан XXИ аср бошларида амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли ва 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сонли қарорлари олий таълим тизимида ахборот хизматлари ва матбуот котиблари фаолиятини йўлга қўйишда ҳуқуқий бурилиш ясади. Ушбу ҳужжатлар билан ҳар бир давлат ОТТларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган «Матбуот котиби» лавозими жорий этилди.

Бироқ, 2023 йилда республиканинг тўртта йирик минтақавий олий таълим ташкилотларида (ҚҚДУ, Қўқон ДПУ, СаМИСИ ва Денов ТПИ) 400 нафар ходим ва 1000 нафар талаба иштирокида ўтказилган сўровномалар тизимда жиддий ташкилий ва коммуникатив номутаносибликлар мавжудлигини кўрсатди. Таҳлиллар асосида анъанавий (ҳозирги) ва истиқболли (тавсия этилаётган) PR-фаолиятнинг қиёсий тавсифи ишлаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал. Анъанавий ва истиқболли PR-фаолиятнинг қиёсий таҳлиллари

Таққослаш мезонлари	Анъанавий (мавжуд) PR-фаолият	Истиқболли (биз таклиф этаётган) PR-фаолият
Асосий мақсад	Фақат ОТМнинг ютуқларини бир томонлама веб-сайт ва ОАВ орқали кўз-кўз қилиш (мақтаниш модели).	Таълим сифати, оқув-услубий ва илмий натижаларни қайта алоқа (feedback) асосида шаффоф кўрсатиш.
Коммуникация шакли	Вертикал (Монолог): юқоридан пастга буйруқ ва ҳисобот узатиш тизими.	Горизонтал (Диалог): талаба ва ўқитувчи фикрини қарорларга интеграция қилиш.
Устувор методла	Қуруқ тарғибот, мажбурий тадбирлар ва кампаниявозлик.	Интерактив таҳлил, сўровномалар, рақамли инқирозга қарши менежмент.
Баҳолаш мезони	Ўтказилган тадбирлар сони ва сайтга қўйилган расмлар миқдори.	Интеграл Коммуникатив Индекс (ICI), аудиториянинг ишонч ва қониқиш даражаси.

Эмпирик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, талабаларнинг 51,0 фоизи уларнинг талаб ва таклифлари раҳбарият томонидан эътиборга олинмаслигини (қайта алоқа йўқлигини) билдирган, ходимларнинг 60 фоизи эса ОТМнинг бугунги рейтинги ва ички бошқарув тизимидан қониқмаслигини таъкидлаган. Бу муаммоларни бартараф этиш учун таълим менежментига мажмуавий математик модель – **Интеграл Коммуникатив Индекс (ICI)** тизимини киритиш асослаб берилди.

Динамика шуни кўрсатадики, таълим менежментида очиқлик ва қайта алоқа тизимининг тўғри йўлга қўйилиши умумий ижтимоий муҳит кўрсаткичини 625 дан 680 га, деканат бошқарув маданиятига бўлган ишончни эса 350 дан 510 гача статистик аҳамиятли даражада оширган.

Олиб борилган тарихий-назарий ва эмпирик тадқиқотлар асосида **қуйидаги хулосаларга келинди:**

PR-технологиялар таълим менежментида шунчаки реклама воситаси эмас, балки ОТМнинг ички барқарорлиги ва ташқи рақобатбардошлигини таъминловчи мажмуавий бошқарув механизмидир.

Олий таълим муассасасининг ижобий имижи биринчи навбатда унинг ички соғлом муҳитига, таълим сифатига ва раҳбариятнинг (ректор ва деканларнинг) мулоқот этикасига бевосита боғлиқ.

Замонавий таълим ташкилотларида PR – фаолият самарадорлигини ошириш учун ХЕМИС ва расмий рақамли платформаларни бир томонлама маъмурий назорат қуролидан ички аудиториянинг фикрини тингловчи интерактив қайта алоқа майдонига айлантириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйзати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони // lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4366-сон қарори // lex.uz.
3. Бернейс Э. Пропаганда / Эдвард Бернейс; Пер. с англ. И. Ющенко. – М.: Hippo Publishing, 2010. – 176 с.
4. Почепцов Г.Г. Паблик рилейшнз для профессионалов. – Киев: РЕФЛ-бум, 2005. – 640 с.
5. Шишкина М.А. Паблик рилейшнз в системе социального управления. – СПб., 1999. – 444 с.
6. Колесниченко Олеся. PR по-азиатски. Честно о коммуникациях в Центральной Азии. – СПб.: Питер, 2022. – 192 с.